Тошкент оқшоми

2017 ЙИЛ 8 ИЮНЬ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 119 (13.452)

Баҳоси эркин нархда

БМТ БОШ КОТИБИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш 2017 йил 9 июнь куни Ўзбекистонга ташриф буюради.

Икки томонлама учрашув ва музокаралар чоғида Ўзбекистон билан БМТ ва унинг тузилмалари ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари, шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар, жумладан, Орол фожиасининг экологик оқибатларини юмшатишга доир масалалар муҳокама этилиши режалаштирилган.

Ташриф дастурида Самарқанд, Нукус ва Мўйноқ шаҳарларига бориш кўзда тутилган.

ЎЗБЕКИСТОН – БМТ: ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Хабар берилганидек, жорий йил 9 – 10 июнь кунлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш мамлакатимизда бўлади.

Шуни қайд этиш жоизки, БМТнинг янги Бош котиби биринчи маротаба Ўзбекистонга ташриф буюради ҳамда республика раҳбарияти билан учрашади, Самарқанднинг диққатга сазовор жойлари ва Оролбўйи минтақасидаги экологик аҳвол билан танишади. Эслатиб ўтамиз: турли йиллар давомида Бош котиблар Кофи Аннан (2002) ва Пан Ги Мун (2010, 2015) мамлакатимизда бўлишган.

Маълумки, Ўзбекистоннинг БМТ билан самарали ва кўп қиррали ҳамкорлигига 1992 йил 2 март куни замин қўйилган – ўша куни республикамиз халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган эди. Тошкент бу ташкилотни умумжаҳон тинчлиги ҳамда хавфсизлигини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва атроф-муҳит муаммоларини ҳал этиш бўйича универсал халқаро тизим сифатида кўради.

Мамлакатимиз ушбу ташкилот ҳамда унинг ихтисослашган тизимлари ишида фаол қатнашмоқда. БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида (АҚШ), Женевадаги (Швейцария) БМТ бўлими ҳузурида ва бошқа халқаро ташкилотларда ҳамда Венадаги бўлимида Ўзбекистоннинг доимий ваколатхоналари фаолият кўрсатаётир.

БМТнинг Ўзбекистон тараққиётига кўмаклашиш бўйича доиравий дастури (ЮНДАФ) республикамизнинг ушбу глобал институт билан ҳамкорлигини белгилайдиган муҳим ҳужжат ҳисобланади. Мамлакатимиз учун 2016-2020 йилларга мўлжалланган ушбу янги ҳамкорлик дастури Барқарор ривожланиш мақсадлари ва бошқа ўта муҳим лойиҳалар, шунингдек, манфаатдор томонлар – Ўзбекистон давлат тизимлари ҳамда муассасалари кенг доирасининг биргаликда тақдим этган таклифлари асосида ишлаб чиқилган.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИГА БИРЛАМЧИ ТИББИЙ-САНИТАРИЯ ЁРДАМИ КЎРСАТИШНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИ УЧУН РАҲБАРЛАР ВА МУТАХАССИСЛАРНИНГ КАСБИЙ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Аҳолига бирламчи ёрдам кўрсатиш тиббий муассасаларининг бошқарув тизимини янада такомиллаштириш ва унинг фаолияти самарадорлигини ошириш, амбулатория-поликлиника муассасаларининг тез тиббий ёрдам кўрсатиш хизмати, стационарлар ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам марказлари билан ўзаро ҳамкорлигининг амалий механизмларини жорий этиш, шунингдек, Тошкент шаҳри аҳолиси учун қулай ва малакали бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатилиши юзасидан улар раҳбарлари ва мутахассисларининг шахсий масъулиятини кучайтириш мақсадида:

1. Тошкент шаҳрининг туман марказий кўп тармоқли ва оилавий поликлиникаларининг, шунингдек, улар раҳбарлари ва мутахассисларининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

аҳолига энг кўп учрайдиган касалликларни профилактика қилиш ва даволаш бўйича алоҳида беморлар ҳамда бутун оила даражасида тиббий хизматлар кўрсатиш;

аҳолига малакали бирламчи, биринчи навбатда касалликларни профилактика қилиш масалаларида тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш, туғруқ ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар, ҳомиладор аёллар, болалар, шунингдек, ёлғиз кексалар, ногиронлар, сурункали касалликларга чалинган беморлар ҳамда ўзгалар кўмагига ва ижтимоий ёрдамга муҳтож шахслар ўртасида доимий патронаж ишларини амалга ошириш;

оилада тиббий маданиятни ошириш ва ҳар бир кишининг ўз саломатлиги ва болалари саломатлиги учун масъулиятини оширишга йўналтирилган дастурларни амалга ошириш орқали аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи асосларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш;

аҳоли ўртасида баркамол соғлом авлодни тарбиялашга, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга, тиббий этика ва деонтология, санитария-гигиена қўникмалари, оқилона овқатланиш қоидаларига риоя этишга, туғма патология ва ирсий касалликларни камайтиришга йўналтирилган профилактика тадбирларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

миллий календарга биноан профилактика эмлашларини ўтказиш йўли билан бошқариладиган инфекциялар ва уларнинг асоратларини профилактика қилиш;

юқумли бўлмаган касалликларга чалиниш хавфи омилларини барвақт аниқлаш механизмларини жорий этиш йўли билан аҳоли ўртасида касалликка чалиниш, ногиронликни ва барвақт ўлимни профилактика қилиш;

малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда, клиник, биокимёвий лаборатория ва инструментал тадқиқотлар ўтказиш орқали аҳолининг бевосита яшаш жойларида профилактик тиббий кўрик-лар ташкил этиш йўли билан касалликларни барвақт аниқлаш ва уларнинг сурункали касалликларга айланиб кетишига йўл қўймаслик;

туну кун фаолият кўрсатадиган мобиль, диагностика ва даволаш стандартларига мувофиқ яхши жиҳозланган тез тиббий ёрдам кичик станциясидан фойдаланган ҳолда, шифохонага ётқизишдан олдинги тез ва шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, сурункали касалликларга чалинган беморларни мунтазам кузатиб туришни, соғломлаштиришни ва реабилитация қилишни таъминлаш;

юқумли касалликлар, заҳарланишлар ва фавқулодда вазиятлар тўғрисида тегишли хизматларни ўз вақтида хабардор қилиш, шунингдек, санитария-гигиена ва эпидемияга қарши тадбирларни ўтказиш, бириктирилган участка ва уй хўжаликларида санитария барқарорлиги ҳолатининг умумий назоратини амалга ошириш, юқумли касалликлар ўчоқларида обсервация тадбирларини ўтказиш, аҳолини хавфли эпидемик вазият тўғрисида огоҳлантириш;

раҳбарлар ва мутахассисларнинг бириктирилган аҳоли олдида ва халқ депутатлари шаҳар Кенгаши сессияларида камчиликларни ва муаммоли масалаларни бартараф этиш, иш шакллари ва усулларини янада такомиллаштириш, шунингдек, манзилли бирламчи тиббий-санитария ёрдамининг самарадорлигини ошириш юзасидан ҳар чоракда ҳисобот бериш тизимини жорий этиш.

2. Қуйидагилар:

Тошкент шаҳри оилавий поликлиникасининг намунавий низоми ва намунавий тузилмаси 1- ва 2-иловаларга мувофиқ;

Тошкент шаҳри туман марказий кўп тармоқли поликлиникасининг намунавий низоми ва намунавий тузилмаси 3- ва 4- иловаларга мувофиқ;

Тошкент шаҳрининг бирламчи тиббий-санитария ёрдами, тез тиббий ёрдам муассасалари ҳамда стационар тиббиёт ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ;

Тез тиббий ёрдам чақирувларига хизмат кўрсатиш ҳамда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари, стационар тиббиёт ташкилотлари ва тез тиббий ёрдам хизмати ўртасида ахборот айирбошлаш схемаси 5а, 5б ва 5в-иловаларига мувофиқ;

Тошкент шаҳри бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари ҳамда тез тиббий ёрдам кичик станцияларининг жойлашуви, шунингдек, уларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бириктириш 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

(Давоми 2-бетда)

ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА ТОЗАЛИК ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ҳурматли идора ва ташкилотлар мутасаддилари, ҳамшаҳарлар! Барчамиз "озодалик кунлари"да маҳалладошларимиз билан ҳамжиҳатликда ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этайлик



Ҳаммамизга маълумки, бугунги кунда Тошкент шаҳрида улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилаяпти. Айниқса, кенг жамоатчилик томонидан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга катта эътибор бериб келинмоқда.

Пойтахтимизни янада ораста ва обод қилиш, аҳолига ҳар томонлама қулайликлар яратиш йўлида кенг қамровли ишлар жадаллаштирилмоқда. Зеро, бунёдкорлик ва ободонлаштириш – тараққиётимиз фаровонлигининг ёрқин ифодасидир.

Ҳозирда шаҳримизда фаолият юритаётган давлат ташкилотларида 250 мингдан ортиқ ходимлар хизмат қилаётган бўлиб, уларнинг барчаси маҳаллаларда, аксарияти кўп қаватли уйларда истиқомат қилади. Мазкур ходимларнинг ўзлари ва оила аъзолари ободонлаштириш борасидаги тадбирларда ихтиёрий равишда иштирок этса ҳашарчиларнинг сони икки маротабага ошади. Бинобарин, шаҳримиз янада обод, озода ва кўркам бўлиб, чиройига чирой қўшилади.

Бу борада кенг жамоатчилик фаоллигини оширишни ўзимиздан бошлашимиз лозим.

Бу хайрли, савобли ишимизга маҳалла фаолларини, кўчабоши, уйбоши, йўлакбошиларни кенг чорлашимиз, халқимиз орасида миллий қадриятларимизга хос бўлган ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтириш, беғараз ёрдам, меҳр-мурувват каби эзгу фазилатларни юксалтириш, маҳаллалар, аҳоли турар жойларини ободонлаштириш, пойтахтимизнинг барча ҳудудларида санитария ҳолатини яхшилаш ҳаммамизнинг инсоний бурчимиз эканлигини унутмайлик, азизлар.

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Жорий йилнинг 14-16 июнь кунлари Самарқанд шаҳрида "Ўзбекистон инфратузилмаси 2017" халқаро кўргазмаси ўтказилади. Шу муносабат билан вилоят матбуот уйида мазкур кўргазмага бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Матбуот анжумани давомида ОАВ ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларига мутасаддилардан атрофлича жавоб олишди.

● Андижон давлат университетида "Пўлат Ҳабибуллаев – йирик олим, улкан давлат ва жамоат арбоби" мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 18 майдаги фармойиши ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда университет профессор-ўқитувчилари, ёш олимлар, талабалар иштирок этди.

● Гулистонда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловининг Сирдарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. Вилоят адлия, ички ишлар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган танловда 5 жамоа ғолиблик учун баҳслашди.

● Халқ таълими вазирлиги томонидан "Энг яхши чет тили фани ўқитувчиси" кўрик-танлови ўтказилмоқда. Кўрик-танлов ғолиблари 2018 йилда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ривожланган хориж давлатидаги нуфузли олий ўқув юртида малака ошириш имкониятига эга бўладилар.

ЖАҲОНДА

● Шимолий Америкада 2012-2016 йилларда энг тез ривожланган ва кенг тарқалган касб — куёш батареяси жиҳозларини ўрнатувчи мутахассислар деб топилди. Бундай мутахассислар йилига ўртача 40 минг доллар маош олади. Ахборот технологиялари соҳаси билан боғлиқ касблар мамлакатда иккинчи ўринни эгаллаган. Сўнгги тўрт йилда ушбу соҳада мутахассислар сони 200 фоизга ўсган.

● Ҳиндистонлик 15 ёшли Рифат Шарук исмли ўсмир йигит дунёдаги энг кичик сунъий йўлдошни яратди. 3D-принтерда углерод толасидан босиб чиқарилган қурилманинг вазни 64 грамм бўлиб, ишланма NASA томонидан ўтказиладиган Cubes in Space танловида ғолиб бўлди. Сунъий йўлдошга борт компьютери, Ернинг тезланиши, айланиши ва магнитосферасини ўлчовчи 8 та датчик ўрнатилган. Унинг шу ойда 4 соатлик суборбитал парвозни амалга ошириши режалаштирилган.

● Чилида дунёдаги энг йирик телескоп қурилишига киришилди. Экзосайёраларни тадқиқ этишга мўлжалланган қурилма "Европа экстремал катта телескопи" деб номланди. У Чилининг Атакама чўлида бунёд этилмоқда ва 2024 йилда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Қиймати 1 миллиард еврони ташкил этадиган телескоп бешта сегментли ойна билан жиҳозланади. Улардан энг йириги-нинг диаметри 39 метрдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИГА БИРЛАМЧИ ТИББИЙ-САНИТАРИЯ ЁРДАМИ КЎРСАТИШНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИ УЧУН РАҲБАРЛАР ВА МУТАХАССИСЛАРНИНГ КАСБИЙ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

бир ой муддатда Тошкент шаҳри ҳокимлиги билан биргаликда ҳар бир туманда ушбу қарорда белгиланган вазифаларни амалга ошириш, шунингдек, оилавий ва туман марказий кўп тармоқли поликлиникалари раҳбарлари ва мутахассисларининг масъулиятини ошириш юзасидан махсус семинарлар ўтказсин;

бир ой муддатда оилавий поликлиникалар раҳбарлари ва мутахассисларининг бириктирилган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳолиси олдида, туман марказий кўп тармоқли поликлиникалари раҳбарлари ва мутахассисларининг халқ депутатлари шаҳар Кенгаши сессияларида ҳар чоракда ҳисобот бериш тизими тартибини ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий этсин;

Тошкент шаҳрининг оилавий ва туман марказий кўп тармоқли поликлиникалари томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар ҳажмларини ушбу қарорнинг 1-4-иловаларидан келиб чиққан ҳолда, бир ой муддатда қайта тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда Тошкент шаҳрининг туман марказий кўп тармоқли поликлиникалари ва оилавий поликлиникалари томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматларнинг тўлиқлиги ва сифатини рейтинг баҳолаш тартиби тўғрисидаги, тиббиёт ходимлари фаолиятини баҳолаш натижалари асосида уларни моддий рағбатлантириш тизимини ўз ичига оладиган Низом лойиҳасини икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин, унда ушбу тизимнинг 2017 йилнинг 1 октябридан бошлаб амалиётга киритилишини назарда тутсин;

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда Тошкент шаҳрининг оилавий ва туман марказий кўп тармоқли поликлиникалари штат нормативларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

уч ой муддатда Тошкент шаҳрининг оилавий ва туман марказий кўп тармоқли поликлиникаларини ўз касбига содиқ ва аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини сифатли даражада таъминлашга қодир бўлган малакали тиббиёт кадрлари билан тўлдириш чора-тадбирларини кўрсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, ушбу қарорда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш штатдаги ходимларнинг амалдаги умумий сони ҳамда 2017 йилда Тошкент шаҳрининг оилавий ва туман марказий кўп тармоқли поликлиникаларини сақлаб туришга ажратилган бюджет маблағлари доирасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2018 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларида ушбу қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур маблағларни назарда тутсин.

5. Тошкент шаҳри ҳокимлиги:

профилактика ва патронаж ишларини ҳамда бириктирилган аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатишни яхшилаш учун ҳар бир оилавий поликлиникани ва туман марказий кўп тармоқли поликлиникаларини иккита махсус автомобиль билан таъминласин;

ҳар йили муассасанинг режадаги қувватига мувофиқ ҳар бир поликлиникага бириктирилган аҳоли сонини тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Тошкент шаҳри ҳокимлиги оилавий ва туман марказий кўп тармоқли поликлиникалари раҳбарлари ва мутахассисларининг аҳоли олдида ва халқ депутатлари шаҳар Кенгаши сессияларидаги ҳисоботлари якунлари бўйича бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами хизматини такомиллаштириш юзасидан ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Бошқарув тизимини янада такомиллаштириш ҳамда Тошкент шаҳри аҳолисига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш самарадорлиги учун раҳбарлар ва мутахассисларнинг касбий масъулиятини ошириш чора-тадбирларининг мувофиқлаштирилишини ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш бўйича 7-иловага мувофиқ махсус комиссия ташкил этилсин.

Қуйидагилар комиссиянинг энг муҳим вазифалари этиб белгилансин:

Тошкент шаҳри аҳолисига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг ҳолатини пухта ўрганиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун тезкор чоралар кўриш, тиббиёт муассасалари раҳбарлари ва мутахассисларининг аҳолига тиббий хизматларнинг ўз вақтида кўрсатилиши, сифати ва самарадорлиги юзасидан шахсий масъулиятини ошириш чораларини кучайтириш;

Тошкент шаҳри фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхоналарига тиббий ёрдам кўрсатиш, энг аввало, йўл қўйиб бўлмайдиган совуққонлик, фуқароларнинг асосланган талабларига юзаки муносабатда бўлишнинг, тиббиёт ходимлари томонидан ўз касбий вазифалари виждонан бажарилмаслиги аниқланган ҳолатлари бўйича тушган ёзма ва оғзаки мурожаатларни тизимли таҳлил қилиш ҳамда улар юзасидан таъсирчан чоралар кўриш;

2017-2018 йиллар якунлари бўйича тўпланган ижобий тажрибани республикамизнинг бошқа шаҳарларида жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида аниқ таклифлар киритиш.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 6 июнь

Тадбиркорликка – кенг йўл

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 январдаги "Кичик ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш тизимини янада кенгайтириш ва соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, имтиёзли микрокредитлар бўйича Тошкент шаҳрида тажриба лойиҳаси ишга туширилди.

КРЕДИТ КЕРАКМИ, МАРҲАМАТ!

ИМКОНИЯТЛАРДАН ТЎЛИҚ ФОЙДАЛАНИНГ

Ушбу қарорга мувофиқ, Тошкент шаҳрида тажриба тартибида кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун микрокредитлашнинг янги схемаси жорий этилди. Бунда ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари битирувчилари, муддатли ҳарбий хизматдан қайтган жисмоний шахслар, меҳнат органларида рўйхатга олинган банд бўлмаган фуқаролар, оилавий ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган аҳоли, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тавсияномалари бўйича ишга жойлашишга эҳтиёжманд бўлган бошқа шахслар микрокредитлаш учун қамраб олинадиган шахслар орасида устувор контингентлар ҳисобланади.

Президентимиз Қарорига асосан Тошкент шаҳрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига "Саноатқурилишбанк", "Ипотекабанк", "Миллий банк, "Қишлоқ қурилиш банк", "Асакабанк", Халқ банки, Ипак йўли банки, "Микрокредитбанк", "Азия Альянс банк" каби пойтахтимизда фаолият юритиб келаётган 23 та тижорат банклари ва уларнинг туманлар ҳудудида жойлашган 126 та филиаллари фуқароларга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун имтиёзли микрокредитлар ажратишни йўлга қўйди.

Маълумотларга кўра бугунги кунда меҳнатга лаёқатли банд бўлмаган фуқаролар учун 277,0 млрд. сўм имтиёзли микрокредит маблағлари ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, 1732 та лойиҳа микрокредитлашнинг янги схемасига туширилиб, ушбу мақсад учун ҳозирча салкам 40 миллиардга яқин маблағ йўналтирилган.

Жумладан, Бектемир туманида 31 та, Олмазор туманида 111 та, Сергели туманида 102 та, Учтепа туманида 121 та, Чилонзор туманида 162 та ва Яшнобод туманида 125 та лойиҳаларга микрокредитлар ажратилган.

Ўз-ўзидан ҳамшаҳарларимизда кичик ва хусусий тадбиркорликнинг қайси фаолият турлари учун имтиёзли микрокредитлар ажратилади, деган савол туғилиши табиий. Президентимизнинг ушбу қарорига кўра, имтиёзли микрокредитлар радиоэлектроника аппаратлари, маиший техникалар, приборлар, офисларнинг ҳисоблаш техникалари, компьютер ва принтерларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш, автотранспорт воситаларига хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, ширинлик, пишлоқ, нон ва кондитер маҳсулотлари, фрезали музқаймоқ ҳамда уй шароитида ёки туман ҳокимлигининг қарори билан алоҳида белгиланган жойда донали таом турлари тайёрлаш, компьютер дастурлари бўйича хизмат кўрсатиш ҳамда матнларни компьютерда териш, чиқариш ва кўпайтириш, калитларнинг дубликатларини тайёрлаш, соябонлар ҳамда унча қийин бўлмаган металл маҳсулотларини таъмирлаш, буюртма асосида чармли пойабзал тайёрлаш, таъмирлаш, бўяш ва тозалаш, гилам ва гилам маҳсулотларини тозалаш, оптик асбоблар ва соатларни таъмирлаш, ҳаккоклик (гравёр) ишлари, яъни металл, пластмасса, керамика, фаянс буюмлар, тошлар ва картонларга ёзувлар ёзиш, мусиқа асбобларини созлаш ва таъмирлаш, витраж ишлари, яъни ойналарни бадиий безаш, тикувчилик, мўйна, чарм ва трикотаж маҳсулотларни, бош кийимларни ва тўқимачилик галантерияси маҳсулотларини, жумладан енгил ва қалин пардаларни тикиш, тўқимачилик, каштачилик, кир ювиш, кир ювиш корхонаси ва дазмоллаш хизматини кўрсатиш, дизайнерлик ва уйни жиҳозлаш хизмати ҳамда чизма-графика ишлари, рассомлик, мебелларни йиғиш ва таъмирлаш хизматлари учун тижорат банкларидан имтиёзли микрокредитлар олиш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки қарорга биноан фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларининг тавсиясига биноан оилавий ва хусусий тадбиркорликнинг бошқа турларига ҳам имтиёзли микрокредитлар ажратилади.

Микрокредитлар суммаси энг кам иш ҳақининг 200 баробаригачани ташкил этиб, асосий қарзни тўлаш учун 6 ойлик имтиёзли муддат билан 3 йилгача берилади. Ушбу мақсад учун тижорат банклари томонидан ажратиладиган микрокредитларнинг йиллик фоиз ставкалари аҳоли учун жуда қулай эканлигини ҳам эслатиб ўтишимиз лозим. Бунда битта иш жойи яратилганда – 9 %, иккита иш жойи учун – 8%, учтадан тўрттагача иш жойлари учун – 7%, бешта ва ундан ортиқ иш жойлари яратилганда – 6% миқдорда йиллик фоиз белгиланган.

Шу билан бир қаторда мурожаат этувчи томонидан, қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бериладиган микрокредит бўйича қайтаришни таъминлай олмаслик ҳолати вужудга келганда тижорат банклари томонидан микрокредитни таъминлаш сифатида энг кам иш ҳақининг 100 баробаригача миқдорда микрокредитлашда – харид қилинадиган мулкни ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кафиллигини, энг кам иш ҳақининг юз баробаридан ортиқ миқдорда микрокредитлашда – учинчи шахснинг кафиллигини, суғурта ташкилотларининг суғурта полисларини ва қонун ҳужжатлари доирасида бошқа таъминлаш турларини қабул қилиб олишларига йўл қўйилади.

Азиз ҳамшаҳарлар, агар Сиз оилавий ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлсангиз, гулдай ҳунарингиз маҳсулидан бошқалар ҳам баҳраманд бўлишини истасангиз, ишни ташкил этиш учун иккиланмай ўзингизга яқин банкларга мурожаат этиб, давлатимиз яратиб берган имконият ва имтиёзлардан фойдаланишни унутманг.

Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, **Имкониятлардан тўла фойдаланиш, янгича дунёқараш билан меҳнат қилиш – халқимиз фаровонлигини янада оширишнинг муҳим омилидир**.

Убай ИСМАТОВ

ЎЗБЕКИСТОН – БМТ:

ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолияти Концепциясидаги асосий вазифалардан бири – Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, минтақани хавфсизлик ва барқарор ривожланиш зонасига айлантириш вазифасини амалга ошириш борасида мазкур ташкилот билан ҳамкорликка жуда катта эътибор қаратилмоқда. Шу боис қайд этиш ўринлики, мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақа учун муҳим бўлган кенг миқёсли ташаббуслар илгари сурилган эди. Улар дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилди ва қўллаб-қувватланди. Ана шундай ташаббуслар орасида ҳаётга татбиқ қилинган Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этиш ғояси бор.

2002 йил октябрь ойида БМТнинг ўша пайтдаги Бош котиби Кофи Аннанинг мамлакатимизга ташрифи чоғида мустақил Ўзбекистоннинг биринчи етакчиси таклифи билан Гиёҳванд моддалар, психотроп воситалар ва улар прекурсорларининг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишига қарши кураш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот-мувофиқлаштириш маркази тузилган эди. Шунингдек, Тошкент ташаббуси билан 2010 йили БМТ ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги декларация имзоланди. Минтақавий хавфсизликнинг мустаҳкамланишида мазкур икки тизим иштирокини кенгайтиришга йўналтирилган ушбу ҳужжат ШҲТ Котибияти ҳамда БМТ наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси, шунингдек, Осиё ва Тинч океани минтақаси иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (ЭСКАТО) Котибияти ўртасида меморандумлар имзоланиши билан янада мустаҳкамланди.

Давлатимизнинг тинчликсевар сиёсати ҳамда унинг халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва меъёрларига риоя этилишига содиқлиги БМТ билан шерикликнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Масалан, хавфсизликни таъминлаш жабҳасида ўзаро конструктив ҳамкорлик бўйича катта тажриба тўпланган. Ўзбекистон қуролсизланиш ва қурол-яроғларни тарқатмаслик соҳасидаги асосий халқаро битим ҳамда шартномаларнинг иштирокчиси ҳисобланади. Республикамиз терроризмга қарши курашиш бўйича БМТнинг 13 та конвенциясига қўшилган.

Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлиги экология ва атроф-муҳит муҳофазаси масалаларини, энг аввало, Орол денгизи муаммосини ҳам қамраб олган. Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси БМТнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлганининг 25 йиллиги муносабати билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Антониу Гутерришга йўллаган қутловномасида БМТ шафеълигида Орол денгизи ҳамда Оролбўйи ҳудуди бўйича махсус Траст жамғармасини тузишга қаратилган саъй-ҳаракатлар қатъий қўллаб-қувватлангани билан табриклади. 2017 йил 10 февралда БМТнинг "Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик фондини ташкил қилиш орқали Орол денгизи фожиасидан зарар кўрган аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш ва мустаҳкамлаш" дастури амалга оширила бошлангани бу борадаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Ўзбекистоннинг БМТ билан ижтимоий-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлиги ҳам жадал ривожланмоқда. Ўзбекистонда БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ҳамда Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) билан биргаликда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва гендер тенглигини таъминлаш бўйича дастурлар амалга оширилаётир. Улар, жумладан, болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, юқумли касалликларнинг олдини олиш, мактаблар ҳамда мактабгача таълим муассасаларида тиббий маданиятни ошириш, санитария-гигиена меъёрларига риоя этилишини таъминлаш, шунингдек, аёлларнинг жамиятдаги ўрни, уларнинг ишга жойлашиши, репродуктив саломатлик соҳасидаги хизматлардан баҳраманд бўлиш имкониятларини кўпайтиришга йўналтирилгандир.

Кейинги йиллар давомида Ўзбекистонда БМТ агентликларининг бевосита қўллаб-қувватлови остида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, озиқ-овқат хавфсизлиги, Ўрта аср шарқ алломаларининг тарихий мероси мавзуларига бағишланган йирик халқаро конференциялар ўтказилди. 2014 йил октябрь ойида БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси Самарқандда бўлиб ўтди.

ЮНЕСКО Ўзбекистоннинг бой тарихий-маданий меросини асраш ҳамда уни оммалаштиришга кўмак кўрсатмоқда. Жумладан, унинг шафеълигида мамлакатимиз тарихий шаҳарлари ва халқимизнинг буюк аждодлари юбилейлари халқаро миқёсда нишонланди. ЮНЕСКО кўмагида 1997 йилдан буён ҳар икки йилда Самарқандда "Шарқ тароналари" Халқаро мусиқа фестивали ўтказилаяпти. Ўзбекистоннинг қатор кўҳна шаҳарлари ҳамда ёдгорликлари ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси рўйхатидан жой олган. Ўзбекистоннинг олти маданий-тарихий ўзига хослиги – Бойсун маданий ҳудуди, Шашмақом, катта ашула, аския ва Наврўз байрами, шунингдек, миллий таомимиз – палов билан боғлиқ анъаналар ЮНЕСКОнинг инсоният номоддий маданий мероси рўйхатига киритилган.

Сўнгги йилларда БМТ билан ҳар томонлама ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад ал-Хусайн яқинда Ўзбекистонга ташриф буюргани ҳамда юқори мартабали меҳмон Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилингани бундан далолат беради. Учрашув чоғида Ўзбекистон ва БМТ, ушбу нуфузли универсал халқаро ташкилотнинг институтлари ўртасидаги конструктив ҳамда очиқ мулоқотни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш муҳимлиги яна бир бор таъкидланди.

Шу тариқа Ўзбекистон ҳамда БМТ ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик муваффақият билан равнақ топмоқда. Шунга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, мазкур омил давлатимиз раҳбари ва ушбу глобал ташкилот Бош котибининг бўлажак учрашувига алоҳида мазмун бахш этади. Чунки, бизнинг фикримизча, ўтган давр мобайнида тўпланган самарали шерикликнинг бебаҳо тажрибаси ўзаро ҳамкорлик кўламларини кенгайтириш, нафақат Ўзбекистонда балки бутун жаҳонда барқарорлик, ривожланиш ҳамда фаровонлик манфаатлари йўлида биргаликдаги ишларнинг янги йўналишларини белгилаб олиш учун яхши замин яратади.

Замира АЗИЗХОНОВА,
"Жаҳон" АА

Ифтихор

ЎХШАШИ ЙЎҚ БУ ГЎЗАЛ МАСКАН

Ўшанда Асилбек мактабнинг саккизинчи синфида ўқирди. Ойиси "Болам, юрақол, амакингникига борамиз, Жавлонбек аканг Менделеев олимпиадасида кумуш медаль олибди, табриклаб келамиз", деганда кўнглида ёруғ туйғу уйғонганди. Қариндошлариникига боришса, уй тўла одам. Ҳамма лицейда "аъло" баҳоларда ўқиётган Жавлонбекнинг шаънига мақтов гаплар айтмоқда. Ёши улуғ меҳмонлар "Ёшлар ўқисин, шундай шароитда билим олиб, Ўзбекистон байроғини, демакки, номини дунёга танитишсин" дея дуо қилишмоқда. Жавлонбек, хонадондаги йиғиннинг асосий сабабчиси, қаҳрамондек юрибди.



СУРАТДА: жорий йил Остона шаҳрида ўтказилган Халқаро олимпиадада лицей вакиллари тўртта бронза медалини қўлга киритишди

Асилбек ўзидан уч ёш катта акасини суҳбатга тортди. Кумуш медални қандай олганлиги билан қизиқди. Жавлонбекнинг айтишича, кимё фанидан ўтказилган 47-Халқаро Менделеев олимпиадасида бутун дунёдан келган истеъдодли ўқувчилар уч турдан иборат имтиҳон топширишибди. Эҳ-ҳе, уч кун давомида қўйилган масала ва лаборатория ишларини умуман бегона ўқитувчилар кўз олдида адашмасдан ечиш талаб қилинибди. Ҳар бир турга беш соатдан вақт берилибди. Шу муддатда улгуролмасанг, ҳамма ҳаракатинг чиппакка чиқади.

— Сиз олган медалнинг баҳоси қандай ўлчанади? Пул ёки қимматбаҳо совғаси борми?

Жавлонбек Асилбекнинг бехабарлигидан кулиб қўйди.

— Ҳар қандай совғадан қиммат имтиёзи бор. Ким дастлабки уч ўринни олса (мен иккинчи ўринга чиқдим), олий ўқув юртига тест синовлари топширмай талабалар сафидан жой олади.

— Зўр-ку! Ғалабангиз билан табриклайман. Яна битта нарса сўрасам: юори аъзолари олдида ҳаяжонланиб, масалани ечишда хатога йўл қўйса нима бўлади?

— Хато бўлса, баҳоинг пасаяди. Тўғри, менда ҳам ҳаяжон бўлди, бусиз иложи йўқ. Лекин билиминг бўлса, укам, ўзингга ишонсанг, тўғри ечимни топасан. Бунинг учун қайта-қайта ўқиш, энг мураккаб масалаларни ҳам бемалол ишлаш даражасига эришиш керак.

Ҳа, қойил, Жавлонбек зўр ўқиб, катта ютуққа эришибди. Насиб қилса, мен ҳам унинг изидан бораман. Янаги йил тўққизинчини битирсам, мен ҳам Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейига ўқишга кираман, акамга ўхшаб халқаро фан олимпиадаларида қатнашаман. Асилбек бу гапларни овоз чиқариб эмас, ўзига ўзи ич-ичидан айтди. Астойдил қилинган ният эса, ҳамиша ижобатга мойил бўлади.

Дарвоқе, ўрта махсус ўқув юртлари соҳасида юлдуз бўлиб порлаган Жавлонбекнинг кейинги сафар йўли ҳақида. У 2013 йилда кумуш медални қўлга киритгач, келгуси йили Вьетнам пойтахти Ханойда ўтказилган жаҳон олимпиадасида яна кумуш медаль билан тақдирланди. Ўша йили Москвада ўтказилган 48-Менделеев олимпиадасида олтин медаль соҳиби бўлди. Илк олинган медаль ҳамма орзу қилган имтиёзни берардику. Кейинги ҳаракатлар шартмиди? Бу саволга Жавлонбек Муҳсимов: "Гап фақат медалдами, мен ўз кучимга ишонч ҳосил қилиш учун курашни тўхтатмадим. Умуман, ҳаёт курашдан иборат экан, бундан буён ҳам бўш келиш йўқ". Ҳозир Жавлонбек Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг даволаш факультети 2-босқичида ўқияпти.

Шундай қилиб, Асилбек амакисининг ўғли ўқиган лицейга ўқишга кирди. Дарсдан ташқари вақтларини ҳам билим сирларини эгаллашга сарфлади. Уйда ҳам адаси Хурсанд ака ўғлининг дарсларни ўзлаштиришини кузатиб борди. Кардиологлик касбини шарафлаб келаётган бу инсон кимё, биология соҳасини яхши билар, шунинг учун ўғлини тез-тез имтиҳондан ўтказиб турарди.

Асилбек илк бор шу фанга иштиёқи тушганда жуда содда ўйлаган экан. Лицейга кираман, Олимпиадада қатнашаман, медаль оламан, деган хаёлда юрган экан. Энди билса, Олимпиадага бориш учун не-не довонларни босиб ўтиши талаб қилинади. Аввало, ўзи ўқийдиган гуруҳда пешқадам бўлиш лозим. Кейин лицейнинг ўзида ички саралаш мусобақаси бўлди. Унда иккинчи ўринни олиб, кейин-ги босқичга борадиган бўлди. Туман босқичида учинчи ўрин насиб қилди. Тошкент шаҳар босқичида ҳам учликка илинди. Кейинги довон — республика босқичида иккинчи ўринни эгаллади. Ва ниҳоят Остонада ўтказиладиган халқаро фан олимпиадасига йўлланма олди.

Бу мусобақа 2017 йилнинг 23 — 30 апрель кунлари Қозоғистон пойтахтида ўтказилди. Лицей директори, биология фанлари доктори, профессор, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳиби Ортиқбой Эшонқулов сафар олдидан Асилбек билан суҳбат ўтказди.

— Асилбек, сенинг билимдонлигингга ишонамиз, Остонада ҳам сенга ўхшаш истеъдодлилар тўпланади. Лекин бу беллашувда ўз кучингни кўрсатишинг керак. Аввало, ҳаяжонланма. Шуни билгинки, дунёда тиббиёт фанининг асосчиси Ибн Сино бизнинг ватандошимиз. Сен ҳам шу Ватан фарзандисан.

Ажабо, устознинг бу гапи Асилбекнинг ҳаяжонига ҳаяжон қўшмадими?! Йўқ, бундан тўрт йил муқаддам Жавлонбек акаси: "Билиминг бўлса, укам, ўзингга ишонсанг, тўғри ечимни топасан", деган сўзлари ёдига тушди. Ҳаяжон нима бўлибди, ҳамма нарсага лоқайд, бефарқ одамда ҳаяжон бўлмаслиги мумкин. Мендаги ҳаяжон аслида масъулият ҳисси бўлса керак. Ҳазилми, битта мусобақа инсоннинг тақдирини белгилаб берса.

Остонада ўтказилган кунлар, Асилбекнинг наздида, йилларга татигулик. Мусобақа шартлари унга маълум: уч турдан иборат. Ҳар бири учун алоҳида кун белгиланган. Дастлабки кун қатнашчилари ихтиёрига 8 та масала берилди. Беш соатда барча топшириқни бажариш керак. 2-турда 15 та масаладан ҳар ким бештасини танлаб олиши керак. Битта шарти бор: бешта масалада, албатта, органик кимё, ноорганик кимё, физик кимё, биокимё ва аналитик кимё бўлимларидан биттадан мисол иштирок этиши шарт. Бу ҳам олимпиада қатнашчисидан зийраклик талаб қилади. 2-турдан кейин бир кун дам беришди. Эртаси куни ўтказиладиган якунловчи тур кимё фанидан олинган билимнинг асл даражасини кўрсатиб беради. Асилбекнинг қўлига ташкилотчилар бир таблетка беришди. Бу органик модданинг хоссалари тилга олинган бўлиб, унинг номини топиш керак. Фанда маълумки, модданинг қайси турда эканлигини аниқлаш учун дастлаб уни органик синтез қилиш керак. Синтез қилинган модда 2-3 миллилитрли эритувчи (метанол) билан эритилади. Эритмани каппиляр ичига солинса, нозик қатламли хроматография қоғози устига томизилади. Томизғи камерага солинади. Шу жойга келганда, 15 дақиқалик танаффус бўлиши керак. Сўнгра ультрабинафша лейка орқали ҳалиги таблетка парацетамол эканлиги аниқланди.

Кейинги вазифага кўра, номаълум эритманинг кислоталиги ёки ишқорлиги аниқланиши керак. Махсус ускунада эритманинг концентрацияси аниқланади. Шу ўринда тажриба ўтказувчи томчи сони қанча бўлишини ўз интуициясига кўра аниқлаши керак. Бу ўринда, ҳатто, тажрибали ўқитувчилар ҳам адашиши мумкин. Томчи сони меъёрдан кам бўлса, ранги ўзгармай тураверади. Меъёрдан бир томчи ошиб кетса ҳам боши берк кўчага кириб қолиш мумкин. Асилбек аввалги лаборатория ишларини ҳисобга олиб, бу ўринда ўн олти томчи томизди. Унинг тўғрилигини аниқлаш учун мазкур тажриба уч марта ўтказилади. Пировардида бир хил натижа такрорланса, тўғри ечим аниқланади. Ранг ўзгаришига қараб, тақдим этилган эритма хлорид кислота эканлиги маълум бўлди. Натижада бронза медалини тақиб қайтди. Асилбек билан бирга Олимпиадага борган лицейдошлари Азиз Ҳакимов, Ким Ок-Сун ва Дилдора Ҳакимова ҳам учинчи ўринни олиб, медаллар шодасига ҳисса қўшишди.

— Остонадан қайтгандан сўнг Жавлонбек билан олимпиада таассуротлари ҳақида гаплашдингизларми? — қизиқиб савол бердик.

— Нафақат гаплашдик, ўша шаҳарда эканлигимда тез-тез боғланиб турдим. Ҳар бир синовдан кейин масалаларни тўғри ечаётганлигимни акамдан тасдиқлатардим-да...

Асилбек Муҳсимов худди акаси Жавлонбекка ўхшаб эришган марраси билан чегараланиб қолгани йўқ. Гарчи қўлга киритган мукофоти олий ўқув юртига киришни нақд қилиб қўйган бўлса-да, кейинги мусобақаларда кумуш, иложи бўлса, олтин медаль олиб, шоҳсупанинг юқори поғонасига чиқишни кўзлаяпти. Шу мақсадда июль ойида Таиланднинг Бангкок шаҳрида ўтказиладиган Олимпиадага тайёргарлик кўрмоқда.

Асилбек билан лицей аудиторияларидан бирида гаплашиб ўтирибмиз. Қаршимизда 19 яшар йигит эмас, ҳаётнинг кўп пасту баландини кўрган одам биз билан суҳбат қураётгандек. Кўз тегмасин. Худди Асилбек каби умидли ёшлар келажакда Ўзбекистонимиз юкини кўтаради, деган ишонч кўнглимизни тўқ қилади.

Биз юқорида бир истеъдодли йигитнинг ўзидан кейин келаётган ёшларга ибрат бўлганлиги ҳақида ҳикоя қилдик. Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейи бугунги кунда чин маънода истеъдодлар маконига айланиб қолди. Лицейда "5+10+20=35" деган формулани кўрсатишди. Бу кейинги тўққиз йил ичида лицей ўқувчилари 5 та олтин, 10 та кумуш, 20 та бронза, жами 35 та медаль соҳиби бўлганлигини ифодалайди. Мана шу рақамларнинг давоми сифатида яна бир кўрсаткич бор. Бу 78 рақамидир. Тўққиз йил мобайнидаги жаҳон ва халқаро Олимпиада мусобақаларида мазкур лицейдан 78 та диплом ва сертификатлар олинган. Бу мукофотлар бизда имтиёзлар бермаслиги мумкин, бошқа хорижий мамлакатларда диплом ва сертификат соҳиблари ҳам медалчилар эришган шоҳсупадан жой олишади. Энг муҳими, лицей ўқувчилари илм чўққиларини эгаллаш йўлида ана шу ёрлиқлар ҳам нурли манзил вазифасини бажараяпти. Қолаверса, юртимизда шундай диплом ва сертификатлар тушига ҳам кирмаётган ўрта махсус ўқув муассасалари қанчадан-қанча. Умуман, халқаро Олимпиада медаллари меҳмон бўлмаган вилоятлар бор. Ушбу лицейда катта ҳаёт бошида туриб, Президентимиз Фармонига кўра, "Шуҳрат" медали билан мукофотланган ёшлар билан фахрланишади. Бундай натижалар нафақат Ўзбекистонда, халқаро Олимпиада ҳайъат кенгаши раиси Дон Ван Ли эътироф этганидек, жаҳонда йўқ.

Бундай мисли сиз натижа ҳар жиҳатдан намуна олишга, шундай даргоҳга маҳорат мактаби сифатида ёндашишга арзийди.

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист



Кўргазмалар

КЕЛАЖАК САРИ ЙЎЛ

Ўзбекистон Бадиий Академиясининг Икуо Хираяма Халқаро маданият карвон саройида Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилига бағишланган ХМКС коллекциясидан "Келажак сари йўл" номли археологик кўргазма очилди.

Мазкур археологик кўргазмада ХМКС музей бўлимида сақланаётган 1300 га яқин археологик топилмалардан IX-XI асрларга оид 30 дан ортиқ турли ҳажм ва шаклдаги лаганлар, кўзалар, косалар ва бошқа кўринишдаги сопол буюмлар қайта таъмирланиб, баъзиларидаги ўсимликсимон нақшлар ва эпиграфик ёзувлар тикланиб, экспозициядан жой олди.

– Мана икки йилдирки, Икуо Хираяма Халқаро маданият карвон саройи Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти билан ҳамкорликда "Амалий санъат асарларини таъмирлаш" факультети талабаларининг амалий машғулотларда қатнашишини ташкил этган, – дейди Археологик топилмаларни қайта таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари бўйича таъмиршунос – рассом Наргиза Қаландарова. – Ўтган йили шу ҳамкорлик асосида олти нафар талаба қатнашди. 2016-2017 ўқув йили мобайнида эса етти нафар талаба ХМКС коллекциясида сақланаётган археологик топилмаларни тиклаш жараёнларида ўз билимларини оширди.

Кўргазмада амалий машғулотлар жараёни фотосуратларда акс этган бўлса, намойиш қилинаётган археологик топилмалар ҳар бир талаба томонидан қай даражада таъмирланганлигини кўрсатади. Шунингдек, иш қуроллари, топилманинг олдинги ва кейинги ҳолатлари экспонатлар реставрация жараёнининг мураккаб томонларини тушунишга ёрдам беради.

Археологик кўргазма жорий йилнинг 15 июнига қадар давом этади.

Зафар НАЗАРОВ
Алексей Попов олган сурат

Реклама ўрнида

ДАВОЛАШНИНГ ИЛҒОР УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ

Шаҳримизнинг Қорасув-4 массиви рўпарасидан ҳалқа йўли бўйлаб ўтиб кетувчи йўловчилар микрорайон четида жойлашган ҳаво ранг икки қаватли бинони кўрган бўлса, ажаб эмас. Бино пештоқида кўрсатилган номи ҳам кўпчиликка таниш – "Frank Medic"... Ушбу муассасанинг хизматларидан фойдаланиб келаётганлар сони ҳам кам эмас, айни пайтда соғлиқни сақлаш масаласида жуда муҳим бўлган ушбу объект ҳақида эшитмаганлар ҳам топилади.

"Frank Medic" хусусий клиникаси – терапевтик таъсирнинг замонавий кам инвазив усулларидан фойдаланган ҳолда эндокринологик ва урологик муаммолари бор беморларни даволашга ихтисослашган кам сонли нодавлат тиббиёт муассасаларидан биридир. Ушбу йўналишларда тиббий ёрдам кўрсатиш мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида алоҳида ўрин эгаллайди, зеро, эндокрин ва урологик хасталиклар сурункали характерга эга бўлиб, улар оғир асоратларни келтириб чиқариши, баъзан ногиронликка ва ҳатто ўлимга сабаб бўлиши мумкин.

Ёш ўтган сайин кўпинча одамларда ўсмалар пайдо бўлади. Бу эса айрим мижозларда тезкор даволаниш заруратини келтириб чиқаради. Ваҳоланки, ёши ўтиб, 70 ларга яқинлашган сайин инсонда жиддий йўлдош касалликлар кўпайиб боради. Ана шундай муаммо — бир томондан операцияни ўтказиш зарурлиги ва иккинчи томондан уни ўтказишга имкон йўқлиги кам инвазив усул ёрдамида ҳал қилиниши мумкин. Уларга нисбатан тезкор даволаш амалиётларини қўллаб бўлмайдиган мижозлар биринчи навбатда даволаш марказларига мурожаат қилишлари зарур. "Frank Medic" клиникаси ана шундай марказлардан биридир.

Хусусан, аденома простата хасталигини даволаш бўйича замонавий кам инвазив усуллардан бири – трансуретрал микротўлқинли терапия бўлиб, ушбу усул ёрдамида клиникада "аденома простата" ташхиси билан мурожаат қилган беморларнинг 98 фоизи даволаниб, тўлақонли жарроҳлик амалиётидан сақланишга муваффақ бўлмоқда. Ушбу даволаш усули микротўлқинлар энергиясини қўллашга асосланган бўлиб, у простатанинг хасталанган тўқимасини йўқ қилишга ёрдам беради. Бу оддий микротўлқинли печнинг ишлаш жиҳатини эслатади. Врач уретрага махсус катетерни киритади. Унинг ичида нозик антенна бўлиб, у электромагнит тўлқинларни чиқаради. Уларнинг таъсири остида простатанинг тўқимаси қизийди ва емирилади. Муолажа жойини анестезия қилиш йўли билан амбулатория шароитида бажарилади ва бемор ўша куниёқ уйига қайтиб кетиши мумкин бўлади.

Трансуретрал микротўлқинли терапия самараси одатда бир неча ҳафта ўтгач, сезилади. Енгил ёки простата безининг безарар мўътадил гиперплазияси бор эркакларни даволашда энг яхши кўрсаткичларга эришилган.

Анъанавий жарроҳлик аралашувларидан фарқли равишда, трансуретрал микротўлқинли терапияда, бошқа бир қатор усуллардан фарқли равишда, асоратлар хос эмас.

Ушбу манипуляция уролог Петрос Кочевски томонидан бажарилади.

Афсуски, баҳор келишини узоқ кутиш турли хил мавсумий эндокрин ва урологик хасталикларнинг юзага келиши муаммосини келтириб чиқаради.

Агарда ана шундай кўнгилсизликларга дуч келган бўлсангиз, "Frank Medic" клиникаси мутахассислари сизга ёрдам кўрсатишга тайёр. Бу ерда юқорида санаб ўтилганларидан ташқари замонавий лаборатория, зарблитўлқинли терапия кабинети ва УТТ мавжуд, "эндокринология", "урология", "гинекология", "неврология" ва "остеопатия" йўналишлари бўйича тор мутахассисликлар қабули йўлга қўйилган.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қорсув-4, 3Б-уй.

Телефонлар: (+998971) 266-11-19, 266-10-90, 266-24-23, (+99890) 178-70-11.

Халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгаши
ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ БАЪЗИ ГЕОГРАФИК ОБЪЕКТЛАР НОМЛАРИНИ ТАРТИБГА КЕЛТИРИШ ТЎҒРИСИДА

"Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддаси ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2011 йил, 41-сон, 448-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида"ги 295-сонли ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2012 йил, 41-42-сон, 483-модда) қарори, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2012 йил 24 октябрдаги "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида"ги 845-сонли қарорига мувофиқ, Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича Тошкент шаҳар комиссиясининг хулосасига асосан, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича шаҳар комиссиясининг баъзи географик объектлар номларини тартибга келтириш тўғрисидаги таклифлари маъқулансин.

2. Ном берилган ва номлари ўзгарган Тошкент шаҳридаги баъзи географик объектлар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Ғ.Расулов), Ободонлаштириш бош бошқармаси (А.Каримов), Ички ишлар бош бошқармаси (Б.Қурбонов), туман ҳокимликлари, ҳокимлик тизимидаги бошқарма, ташкилот ва муассасалар:

туман ҳудудидаги баъзи географик объектларга янги номлар берилиши ва номлари ўзгартирилиши муносабати билан тегишли ишларни амалга ошириш юзасидан бир ойлик муддатда белгиланган тартибда зарур чоралар кўрилсин ҳамда ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

4. Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ҳамда www.tashkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгаши раиси
Р.Усманов

2017 йил 2 июнь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг www.tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

МОЗИЙГА САЁҲАТ

"Баркамол авлод" Республика болалар ўлкашунослик ва экология маркази томонидан "Мозийдан келажакка саёҳат" шиори остида тарихий обидалар ва замонавий иншоотлар бўйлаб сайёҳлик марафони ўтказилди.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки сайёҳлик марафонининг ҳудудий босқичлари жорий йилнинг апрель ойида ташкил этилиб, унга 1500 нафардан зиёд ўқувчилар жалб этилган. Мазкур тадбир ҳудудлардаги тарихий қадамжолар, музейлар ва театрлар, истиқлол даврида барпо этилган иншоотлар ва масканларга саёҳатларни ташкил этиш орқали ўқувчилар ўртасида туризмни янада ривожлантириш ҳамда сайёҳлик ва ўлкашунослик йўналишидаги тўгарак аъзоларининг ижодий изланишларини жонлантириш ва уларни халқимизнинг бунёдкорлик ишлари билан таништириш мақсадига йўналтирилди.

Сайёҳлик марафонининг Республика босқичига педагог ва ўқувчилар жалб этилиб, уларга замонавий автобусларда пойтахтимизнинг диққатга сазовор масканлари бўйлаб саёҳат уюштирилди.

— Ёш авлодга Ватанимизнинг қадимий тарихи, халқимизнинг бой маданий меросини ўргатиш орқали уларнинг маънавий-ахлоқий камолотга эришиш, ўзликни англаш ғояларини кенг тарғиб этишда бу каби тадбирларнинг аҳамияти катта, — дейди марказнинг Оммавий-маданий тадбирлар ташкил этиш гуруҳи ташкилотчиси Нозима Ваҳобова.

Делуфар БАУЕТДИНОВА

Реклама ва эълонлар

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ТСРЎИ томонидан 2009 йил 25 мартда №03197-09 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "Xumoyunxon biznes" хусусий корхонаси (ИНН 301113522) таъсисчининг 07.06.2017 йил №1 қарорига асосан тугатилади.

Эътирозлар эълон нашр қилинган кундан бошлаб 2 ой муддат ичида қуйидаги +99893-389-68-84 телефон рақами орқали қабул қилинади.







Бахтли болалик

Спорт янгиликлари

ХАЛҚАРО ТУРНИР ЎТКАЗИЛДИ

Тошкент шаҳрида 15 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида халқаро турнир бўлиб ўтди.

Ўтказилган барча учрашувларда ғалаба қозонган Япония термаси мусобақа ғолибига айланди. Японияликлар дастлаб Ўзбекистон, кейин Беларус ўсмирлар терма жамоасини мағлубиятга учратди. Сўнгги, ҳал қилувчи бахсда эса Польшани 2:1 ҳисобида таслим қилган японияликлар бош совринга эга чиқди.

Шунингдек, ўтказилган уч ўйиндан 2 тасида ғалаба қозонган Польша ўсмирлар терма жамоаси иккинчи ўринни эгаллади. Ҳар икки совриндор жамоа кубок ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Дилшод Нуралиев шогирдлари охирги ўйинни Беларусга қарши ўтказиб, 1:3 ҳисобида имкониятни бой берди. Мазкур мусобақа Ўзбекистон ўсмирлар термаси учун 2018 йилги ўн олти ёшгача бўлган Осиё чемпионатига саралаш босқичига тайёргарлик вазифасини ўтади. Саралаш босқичи шу йилнинг 16–24 сентябрь кунлари бўлиб ўтади.

РИМ ШАҲРИДАГИ МУВАФФАҚИЯТ

Италия пойтахти Рим шаҳрида сузиш бўйича "Tiro a volo nuoto" анъанавий халқаро турнири ўтказилди.

Учинчи бор ташкил этилган мазкур мусобақада Европанинг қатор давлати вакиллари каби мамлакатимиз спортчилари ҳам совринли ўринлар учун кураш олиб бордилар. Эътиборлиси, мазкур халқаро турнирда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган 4 нафар спортчимиздан учтаси совринли ўринларни банд этишди.

Жумладан, терма жамоамиз етакчиларидан бири Хуршиджон Турсунов 100 метр масофага эркин усулда сузиш бўйича ўтказилган мусобақада 00:49.54 сония натижа билан олтин медалга сазовор бўлган бўлса, 200 метр масофага эркин усулда сузиш бахсларида ҳам маррага 1:50.55 сонияда етиб келиб, шахсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Қувонарлиси, Хуршиджон ҳар икки йўналишда ҳам "Tiro a volo nuoto" халқаро турнирининг рекордини янгилади.

Жорий йилда Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган "Баркамол авлод – 2017" спорт мусобақасида биринчи ўринни эгаллаган Артём Козлюк ҳам "Tiro a volo nuoto" халқаро турнирининг рекордини янгилашга муваффақ бўлди. 200 метр масофага баттерфляй усулида сузиш бўйича ўтказилган мусобақада 2:01.07 сония натижа қайд этган Артём олтин медални қўлга киритиш билан бирга, халқаро турнирнинг рекордини ҳам янгилади. Бундан ташқари тажрибали спортчимиз 50 метр масофага баттерфляй усулида сузиш мусобақасида биринчи, 100 метр масофага баттерфляй усулида сузишда эса иккинчи ўринни эгаллади.

Ботир ХЎЖАЕВ

КУБОК БЕЛЛАШУВЛАРИ

Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги 1/8 финалининг жавоб учрашувлари уюштирилди.

Унда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Сўғдиёна" – "Бухоро" – 0:3, "Металлург" – "Қўқон-1912" – 3:2, "Насаф" – "Пахтакор" – 1:0, "Қизилқум" – "Локомотив" – 1:1, "Олмалиқ" – "Динамо" – 2:2, "Машъал" – "Ёзёвон лочинлари" – 5:0, "Навбаҳор" – "Нефтчи" – 2:1, "Бунёдкор" – "Шўртан" – 3:0.

Шундай қилиб Ўзбекистон кубогининг 1/4 финалига икки ўйин натижаларига кўра "Бухоро", "Қўқон-1912", "Насаф", "Локомотив", "Динамо", "Машъал", "Нефтчи" ва "Бунёдкор" жамоалари йўл олишди.

Энди Ўзбекистон кубогининг 1/4 финалида "Локомотив" – "Бухоро", "Қўқон-1912" – "Насаф", "Динамо" – "Машъал" ҳамда "Бунёдкор" – "Нефтчи" жамоалари ўзаро куч синашишади. Ўзбекистон кубоги 1/4 финалининг дастлабки учрашувлари 30 июнь куни ўтказилса, жавоб беллашувлари 4 июлга белгиланган.

ЯНГИ РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ

ФИФА томонидан миллий терма жамоаларнинг янги рейтинги эълон қилинди.

Аввалги рейтингда 60-поғонани банд этган Ўзбекистон миллий терма жамоамиз бу сафар икки поғона пастлаб 62-ўринга лойиқ кўрилди. Аммо Самвел Бабаян бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоамиз қитъада ҳамон олтинчи поғонада бормоқда. Осиё миқёсида Эрон терма жамоаси етакчилик қилаётган бўлса, ундан кейинги фахрли 2,3-ўринларни Жанубий Корея ва Япония терма жамоалари эгаллаб туришибди. Австралия ҳамда Саудия Арабистони терма жамоалари 4, 5-поғоналарни банд этишган.

ФИФА миқёсида эса Бразилия терма жамоаси карвонбошилик қилаётган бўлса, Аргентина ва Германия терма жамоалари кучли учликка якун ясашган.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

АРХИВЛАР ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Бугунги кунда давлат архивларига турли вазирлик ва идоралар, қўмиталар, агентликлар каби жами 62 та давлат ҳокимияти ва бошқа органларидан уларнинг фаолияти тўғрисидаги очиқ маълумотлар қабул қилиниши белгиланган.

Давлат архивларига топшириладиган маълумотлар турли шаклларда, яъни "PDF", "WAV" (MP3) аудио, "AVI" (MP4) видео ҳамда "JPEG" форматда қабул қилинмоқда.

Шу ва архив соҳасида амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги режалар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўзархив" агентлиги томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида батафсил маълумот берилди.

Миллий матбуот марказида ташкил этилган тадбир Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонуни ижросини таъминлашда архивларнинг роли мавзусига бағишланди.

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда архивлар фаолиятини тубдан такомиллаштириш, моддий-техник базасини яхшилаш, улар фондида сақланаётган қимматли ҳужжатларни сифатли сақлаш, фуқаролар учун зарур бўлган маълумотларни тез ва аниқ қилиб етказиш борасида қатор ишлар олиб борилаётганлигини таъкидлади.

Бугунги кунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотлар базаси давлат архивлари кесимида шакллантирилди ва ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви ҳамда архив иши ҳудудий бошқармалари веб-сайтларига жойлаштирилмоқда. Эндиликда жисмоний ва юридик шахслар давлат архивларига ташриф буюриб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги очиқ ахборотлар билан танишиш имкониятига эга.

– Ҳозирда жисмоний ва юридик шахслар учун қулайликлар яратиш, уларни сарсонгарчиликларсиз зарур маълумотлар билан таъминлаш мақсадида чекка туманларимиздаги давлат архивларини туман марказларига кўчириш ва уларнинг моддий-техник базасини яхшилашга эътибор қаратмоқдамиз, – дейди "Ўзархив" агентлиги бош директори ўринбосари Дилдора Кучарова. – Бу борада туман ҳокимликлари билан узвий алоқалар йўлга қўйилган. Кўплаб туманларда давлат архивлари учун яхши ҳолатдаги бинолар ажратилиб, зарурий жиҳозлар билан таъминланмоқда. Аммо шуни ҳам айтиш керакки, баъзи туман ҳокимлари ва мутасадди раҳбарларнинг эътиборсизлиги туфайли давлат архивлари туман марказидан узоқда, эски ва зарурий жиҳозлар билан таъминланмаган биноларда қолиб кетмоқда.

Анжуманда шунингдек, айрим вазирлик ва идоралар томонидан уларнинг фаолиятини акс эттирувчи ахборотлар давлат архивларига ўз вақтида топширилмаётганлиги, бунга сабаб эса вазирлик ва идораларда очиқ маълумотлар шакллантирилмаганлиги ҳамда уларни ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига топшириш бўйича масъул шахс тайинланмаганлиги кўрсатиб ўтилди.

Журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан жавоб қайтарилди.

Абдуалим САЛИМОВ

Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар

Чилонзор туманида жойлашган қуйидаги мактаблар ошхонасида ишлаш учун ижарачи корхоналарга танлов эълон қилинади. Танлов 2017 йил 25 июль куни Чилонзор туманида жойлашган 66-сонли мактабда соат 10:00 да бўлиб ўтади. Манзил 1-мавзе, 9-уй. Мўлжал Тошкент шаҳар прокуратураси. Танловда талабгор бўлган корхоналардан аризалар 2017 йил 10 июндан 10 июль соат 18:00 га қадар Чилонзор тумани халқ таълими бўлимида қабул қилинади. Мурожаат учун манзил: 273-13-11

126	Ўзбек	Чилонзор тумани, Ал-Хоразмий Г-35
163	Рус/ўзбек	Чилонзор тумани, 2-мавзе, 46-уй
164	Рус/ўзбек	Чилонзор тумани, 16-мавзе
178	Рус/ўзбек	Чилонзор тумани, 6-мавзе, 12-уй
179	Ўзбек	Чилонзор тумани, 7-мавзе, 40-уй
182	Рус/ўзбек	Чилонзор тумани, 6-мавзе, 12-уй
184	Рус/ўзбек	Чилонзор тумани, 9-мавзе, 10-уй
200	Ўзбек	Чилонзор тумани, 20-мавзе, Катта қани кўчаси
138	Ўзбек	Чилонзор тумани, Жилон ота кўчаси, 1-уй

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директор лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
1	Чилонзор тиббиёт коллежи	Чилонзор тумани, Нурхон кўчаси, 16-уй.

Малака талаблари: Олий маълумот, таълими тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажи 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, касб-ҳунар коллежининг соҳа йўналиши бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажи талаб этилади.

Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлганда раҳбар лавозимларидаги шахсларга иш стажи талаб қилинмайди.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқарма бошлиғи номига ариза;
2. Сўровнома (справка-объективка);
3. Таржимаи ҳол;
4. Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси;
5. 3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
6. Паспорт (нусхаси);
7. Илмий даража ва илмий унвон (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
8. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса).

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй, Тел: 252-23-35.

"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ

Тошкент шаҳар ҳамда Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг суд ижрочилари бўлими томонидан тақдим этилган, бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдолари вақтинча тўхтатилиб туришини маълум қилади!

Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ҳамда Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг Суд ижрочиларининг туман бўлими томонидан 06.06.2017 йилда юборилган №20-05/01-258-сонли 05.06.2017 йилдаги Суд департаменти марказий аппаратининг топшириқ хатига асосан Суд департаментининг ҳудудий бошқармалари ва Суд ижрочиларининг туман, шаҳар ҳамда вилоят бўлимлари суд ижрочилари томонидан ижро ҳужжатлари инвентаризациядан ўтказилаётганлиги сабабли аукцион ҳамда ихтисослаштирилган савдо ташкилотлари орқали сотувга қўйилган ҳамда сотувда турган барча автотранспорт воситаларининг қўшимча кўрсатма берилгунига қадар аукцион савдоларини вақтинча тўхтатилиб туришини маълум қиламиз.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.

Телефон: (371) 233-61-44, (97) 764-81-86

www.agb.uz

Гувоҳнома 004593

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ

Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2017 йил 5 июнь кунидаги 8072/2-сонли хатига ва Суд департаменти Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2017 йил 5 июнь кунидаги хатларига асосан қуйидагиларни маълум қилади!

Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2017 йил 5 июнь кунидаги 8072/2-сонли хатига ва Суд департаменти Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2017 йил 5 июнь кунидаги 11-01-2064/2-сонли хатига асосан, Суд департаментининг 2017 йил 5 июнь кунидаги 20-05/01-258-сонли топшириқ хатига биноан, Суд департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари Суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлимларидаги ижро ҳужжатлари инвентаризациядан ўтказилаётганлигини инобатга олган ҳолда, Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси ва Суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан реализация қилиш учун аукцион савдоларига чиқарилган барча турдаги кўчмас мулклар бўйича аукцион савдолари, Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ва Суд департаменти Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан қўшимча кўрсатмалар берилгунга қадар вақтинча тўхтатилганлигини маълум қиламиз.

"Respublika mulk markazi" МЧЖ қуйидагини маълум қилади!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 май кунидаги ПФ-5059-сонли Фармонига мувофиқ Суд департаментининг фаолияти тугатилганлиги сабабли Суд департаментининг Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари, туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлимлари томонидан "Respublika mulk markazi" МЧЖнинг очиқ аукцион савдоларига чиқарилган барча автомототранспорт воситалари ва асбоб-ускуналарнинг савдоси тўхтатилганлигини маълум қиламиз.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Телефон: 228-79-52.

Гувоҳнома: 001805

Реклама ва эълонлар

Суд департаментининг 2017 йил 5 июнь кунги топшириқ хатига асосан Суд ижрочиларининг туман бўлимлари томонидан ижро ҳужжатлари инвентаризациядан ўтказилаётганлиги сабабли, "Auto Gold Grant" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалига аукцион савдоларига чиқарилган 2017 йил 29 майдаги 110- ва 5 июндаги 116-сонларида чоп этилган эълондаги автотранспорт воситалари ва ускуна савдоси вақтинча тўхтатилганлигини маълум қиламиз.

Қўшимча маълумотлар учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: 232-02-96

Гувоҳнома №05791

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси касаба уюшма фахрийси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Наима МАҲМУДОВАнинг

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида ***9 июнь*** *куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 15-17, кундузи — 33-35 даража иссиқ бўлади.*

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, ***9 июнда*** *Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-5207

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 635

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 9234 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 14.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ